



УЎТ: 63.630

## КЎП ЙИЛЛИК ДАРАХТЗОРЛАРНИНГ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШГА САЛБИЙ ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР

Эргашев Ибрагим Хасанович   
мустақил изланувчи

Исматов Шохназар Турдимуратович   
“Ер тузиш” бўлими бош мутахассиси

“Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-лойиҳалаш институти

**Аннотация.** Ушбу мақолада кўп йиллик дарахтзорларнинг ҳисобини юритишда учраётган муаммолар таҳлил қилинган. Маълумотларнинг аниқ эмаслиги, ташкилий ва техник камчиликлар, молиявий қийинчиликлар, иқлимий омиллар ҳамда мутахассислар малакасининг етарли эмаслиги каби асосий салбий омиллар ёритиб берилган. Муаммоларнинг иқтисодий ва экологик оқибатлари кўрсатилиб, уларни бартараф этиш учун рақамли технологияларни жорий қилиш, ягона маълумот базаси тузиш, кадрлар малакасини ошириш ва давлат сиёсатини такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** Кўп йиллик дарахтзор, ҳисоб, мониторинг, рақамли технология, муаммо, таклиф.

**Аннотация.** В данной статье проанализированы проблемы, возникающие при ведении учета многолетних насаждений. Освещены такие основные негативные факторы, как неточность данных, организационные и технические недостатки, финансовые трудности, климатические условия, а также недостаточный уровень квалификации специалистов. Показаны экономические и экологические последствия проблем и предложены пути их решения за счет внедрения цифровых технологий, создания единой базы данных, повышения квалификации кадров и совершенствования государственной политики.

**Ключевые слова:** Многолетние насаждения, учет, мониторинг, цифровые технологии, проблема, предложение.



## AGRO KIMYO HIMOYA VA O'SIMLIKLAR KARANTINI

**Abstract.** In this article, the problems encountered in maintaining records of perennial plantations are analyzed. Key negative factors such as data inaccuracy, organizational and technical shortcomings, financial constraints, climatic factors, and insufficient professional qualifications of specialists are highlighted. The economic and environmental consequences of these problems are identified, and proposals are presented for their mitigation, including the introduction of digital technologies, the establishment of a unified data database, enhancement of personnel qualifications, and improvement of state policy.

**Keywords:** Perennial plantations, accounting, monitoring, digital technologies, challenge, recommendation.

### КИРИШ

Кўп йиллик дарахтзорлар-боғзорлар, узумзорлар, ёнғоқзорлар, тутзорлар ва бошқа интенсив плантациялар-қишлоқ хўжалигининг стратегик аҳамиятга эга тармоқларидан ҳисобланиб, мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлиги, экспорт салоҳияти ва узоқ муддатли ҳосилдорлик ва ер ресурсларидан барқарор фойдаланиш имкониятларини таъминлайди. Улардан самарали фойдаланиш ва узлуксиз ривожлантиришнинг асосий шарти - уларнинг ҳисобини тўғри ва замонавий услубларда юритишдан иборат. Бироқ ушбу тармоқларда ҳисоб юритиш, мониторинг ва кадастр маълумотларининг ишончилиги кўп ҳолларда турли хатоларга учраб, режалаштириш ва бошқарув жараёнларига салбий таъсир кўрсатади.

Амалда ҳисоб юритишда турли муаммолар кузатилади. Бу муаммолар статистик маълумотларнинг аниқлигига, давлат дастурларини тўғри режалаштиришга ва фермер хўжалиқларининг иқтисодий самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, ер ҳисобини юритишда унинг натижаларига салбий таъсир кўрсатадиган қатор омилларнинг мавжудлиги кўп йиллик дарахтзорларнинг миқдорий ҳисобини юритиш билан боғлиқ амалдаги услубиятни қайта кўриб чиқишликни тақоза этиши билан бирга, салбий таъсир кўрсатадиган омилларни бартараф этиш ҳам амалий ҳам назарий аҳамият касб этади.

### МАТЕРИАЛЛАР ВА УСЛУБЛАР

Тадқиқот Жиззах вилояти Зомин туманида олиб борилган. Мазкур тадқиқотда кўп йиллик дарахтзорларнинг ҳисобини юритиш, мониторинг қилиш ва мавжуд муаммоларни аниқлаш мақсадида комплекс тадқиқот услуги, яъни таҳлил ва синтез, статистик, таққослаш, мониторинг ва кузатув усуллари қўлланилди. Тадқиқот жараёнида қуйидаги илмий усулларидан фойдаланилган.



## AGRO KIMYO HIMOYA VA O'SIMLIKLAR KARANTINI

### НАТИЖАЛАР ВА МУНОЗАРА

Ер ҳисобини юритиш маълумотларига кўра Жиззах вилояти Зомин тумани бўйича қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда кўп йиллик дарахтзорлар 6,5 минг гектари (4.1%) кўп йиллик дарахтзорлардан, шу жумладан 2,4 минг гектари суғориладиган кўп йиллик дарахтзорлардан иборат. Мавжуд кўп йиллик дарахтзорларнинг 4,4 минг гектарини боғлар, 1,9 минг гектарини токзорлар, 194 гектарини тутзорлар, 11 гектари бошқа кўп йиллик дарахтзорлар ташкил этади. Лекин жойларда олиб борилаётган мониторинг натижалари таҳлил қилинганда, ўтказилаётган мониторингларда кўп йиллик дарахтзорларга миқдор жиҳатдан баҳо беришган, кўп йиллик дарахтзорларнинг амалдаги ҳолатлари деярли ўрганилмаган.

Жаҳон амалиётида дарахтзорларни ҳисобга олиш ва мониторинг қилишда рақамли технологиялардан кенг фойдаланилмоқда. Масалан, Европа Иттифоқи давлатларида боғ ва токзорлар GIS, дрон ва сенсорлар ёрдамида хариталанади. АҚШда дронлардан олинган аэрофотосуратлар асосида дарахт сони, ҳолати ва ҳосилдорлиги аниқланади.

Бугунги кунда Зомин туманида бу йўналишда айрим ишлар амалга оширилган бўлса-да, ҳозирча кўп ҳолларда ҳисоб қоғозбозликка асосланган, маълумотлар эса ишончли эмас. 2025-йил баҳор ойида 7 нафар ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар томонидан жами 225 гектар қуриб қолган боғзорлар ўрнига янги боғзорлар ташкил қилинган. Бундан ташқари 11 нафар ердан фойдаланувчилар томонидан 129 гектар майдонга янги токзорлар ташкил қилинган. Ушбу маълумотлар ер баланси ҳисоботларида акс этмаган.

Тахлилий ўрганишлар натижасида ҳисоботларнинг юритилишида асосан қуйидаги салбий таъсир қилувчи омилларни келтириб ўтишимиз мумкин:

Кўп йиллик дарахтзорларнинг ҳисоби кўп ҳолларда анъанавий, қўлбола усуллар орқали юритилиб келинади. Бу жараён техник стандартлар, ягона методика ва автоматлаштирилган ўлчаш жиҳозларининг етарли эмаслиги билан ҳам боғлиқ.

Инсон омили мавжуд ҳисоб жараёнида қуйидаги салбий оқибатларга олиб келади:

Ушбу омиллар кўп йиллик дарахтзорларнинг ҳақиқий ҳолатини акс эттирмайдиган нотўғри база юзага келишига сабаб бўлади. Натижада, стратегик қарорлар, реконструкция режалари ва экологик мониторинг ишлари нотўғри маълумотларга асосланиб кетиши мумкин.

Кўп йиллик дарахтзорларнинг ҳолатини кузатиш ва аниқ ҳисобини юритишда мониторинг тизимларининг замонавий рақамли технологиялар билан таъминланмагани жиддий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Ҳозирги кунда кўплаб ҳудудларда кўп йиллик дарахтзорлар ҳолати анъанавий визуал кўрик, қўлда ўлчаш ва қоғоз шаклидаги қайдлар орқали баҳоланмоқда. Бу эса маълумотларнинг сифатини пасайтиради ва динамик ўзгаришларни тезкор аниқлаш имкониятини чеклайди.

## AGRO KIMYO HIMOYA VA O'SIMLIKLAR KARANTINI

Мониторинг тизимининг рақамлаштирилмагани куйидаги салбий оқибатларга олиб келади:

### **1. Тезкор ва аниқ маълумот етказиб беришнинг имконсизлиги**

Дронлар, спутник суратлари ва ГИС платформаларидан фойдаланилмаган шароитда дарахтзорлардаги ҳар қандай ўзгариш-масалан, зарарланиш, кесиш ёки қуриб қолиш-ўз вақтида қайд этилмаслиги мумкин. Бу эса қарор қабул қилиш жараёнини секинлаштиради ва йўқотишлар даражасини оширади.

### **2. Турли идоралар ўртасида маълумот интеграциясининг йўқлиги**

Мониторинг рақамлаштирилмаган шароитда ҳар бир ташкилот (қишлоқ хўжалиги, экологик назорат, кадастр органлари, маҳаллий ҳокимлик) маълумотларни алоҳида юритади. Бу эса:

маълумотлар бир-бирига мос келмаслигига;  
статистикада тафовутлар пайдо бўлишига.

### **3. Масофадан туриб мониторинг қилиш имконияти йўқлиги**

Айниқса Зомин каби тоғли ҳудудларда:

географик релефнинг мураккаблиги;  
йўл транспорт қийинчиликлари.

Ходимларнинг барча ҳудудларга тез-тез бориб туриши амалда имконсизлиги каби омиллар мониторинг жараёнини янада қийинлаштиради. Рақамли сенсор ва дронлар бўлмаган шароитда масофадан туриб аниқ маълумот олиш мутлақо имконияти чекланади.

### **4. Самарадорликнинг пасайиши ва вақтинча харажатларнинг ошиши**

Рақамлаштирилмаган мониторинг:

кўп вақт талаб қилади;

кўплаб инсон ресурслари жалб этилишини талаб қилади;

аниқлиги паст бўлган маълумотлар билан ишлашга мажбур қилади.

Бу эса умумий харажатларни оширсада, натижалар сифатини оширмайди, аксинча пасайтиради.

Юқориб келтириб ўтилган кўп йиллик дарахтзорларнинг ҳисобини юритишда салбий таъсир қилувчи омиллар таъсирида мавжуд кўп йиллик дарахтзорларнинг ҳақиқий ҳолати тўғрисида маълумотларнинг йўқлиги туманнинг иқтисодий ҳисоб-китобларида хатоларни юзага келтириши ҳамда Экологик мувозанат ва ердан самарали фойдаланишга ўзининг салбий таъсирларини кўрсатиши мумкин.

Юқорида келтириб ўтилган кўп йиллик дарахтзорларнинг ҳисобини юритишда салбий таъсир қилувчи омиллар таъсирида мавжуд кўп йиллик дарахтзорларнинг ҳақиқий ҳолати тўғрисида маълумотларнинг йўқлиги туманнинг иқтисодий ҳисоб-китобларида хатоларни юзага келтириши ҳамда Экологик мувозанат ва ердан самарали фойдаланишга ўзининг салбий таъсирларини кўрсатиши мумкин.

## AGRO KIMYO HIMOYA VA O'SIMLIKLAR KARANTINI

### ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Кўп йиллик дарахтзорларнинг ҳисобини юритишда мавжуд муаммоларни бартараф этиш учун қуйидагилар таклиф этилади:

- Зомин туманидаги мавжуд кўп йиллик дарахтзорларнинг бугунги кун ҳолатига бўлган ҳисоботларни юритишда GIS, дрон ва сенсор технологияларини кенг жорий қилиш;
- Дарахтзорларнинг ягона рақамли маълумот базасини яратиш;
- Ходимларни мунтазам ўқитиш ва малакасини ошириш;
- Давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигида молиялаштириш тизимини йўлга қўйиш;
- Илмий тадқиқот натижаларини амалиётга интеграция қилиш.

### АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 17-июндаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5742-сон Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 07-июндаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030-йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-273-сон қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида ер мониторинги тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2000-йил 23-декабрдаги 496-сонли қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022-йил 14-январдаги “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда мониторинг ишларини амалга ошириш, ерларни муҳофаза қилиш ва ер тузиш фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 22-сон қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси “Ер ресурсларининг ҳолати бўйича миллий ҳисобот”. Тошкент, Кадастр агентлиги, 2024-йил.
7. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати расмий веб сайти [www.gov.uz](http://www.gov.uz).
8. К.М.Хожиев. Ер ҳисобини юритиш услубиятини такомиллаштириш /Монография. – Тошкент: “PUBLISHING HIGH FUTURE” ОК нашриёти, 2024-йил. – 151 бет.
9. FAO (2022). Agroforestry and Orchard Management: Global Practices. Rome.
10. Европейская Комиссия (2021-йил). Remote Sensing for Orchard Monitoring. Brussels.
11. Каримов, А., Турсунов, Б. (2020-йил). Digital technologies in agricultural monitoring of Uzbekistan. Tashkent.

---

## AGRO KIMYO HIMOYA VA O'SIMLIKLAR KARANTINI

---

12. Smith, J., & Brown, R. (2019). GIS and Drone Applications in Orchard Management. Springer.
13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
14. [www.ziyo.net](http://www.ziyo.net).